

РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРГАРЛАШ.

Термиз давлат педагогика институти
Мактабгача таълимда тарбияни ташкил этиш
кафедраси катта ўқитувчиси Г.У.Холбоева.

АННОТАЦИЯ Мазкур мақолада мактабга тайёрлов гуруҳининг мактаб таълимига тайёрлаш, узлуксиз таълимнинг бош бўғини ҳисобланган Мактабгача таълимнинг асосий вазифаларидан бири болани мактаб таълимига тайёрлаш эканлиги, МТМдаги таълим-тарбия шароитларида мактаб таълимига озорсиз ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозимлиги ҳақида сўз боради.

АННОТАЦИЯ В настоящей статье особо подчеркнута значение и роль непрерывного образования в становлении и формировании дошкольного образования. В статье речь идёт о необходимости плавного перевода ребёнка из дошкольного образования в процесс среднего образования и построение работы дошкольного учреждения в этих целях.

PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL EDUCATION THROUGH DEVELOPING EDUCATIONAL TECHNOLOGIES.

Г.У.Холбоева

**Senior teacher of the Department of
Organization of education in preschool
education of the Termez State Pedagogical Institute**

ANNOTATION This article deals with preparing preschool group children to primary education which is fundamental base of continuously education. Also given some important methods on primary education.

Замонавий мактабгача таълимнинг асосий тенденцияларидан бири ўқитишда кўпроқ ахборот шаклидан изланиш, тарбияланувчиларнинг мустақил ишлари, имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида ўқитишнинг ҳамкорликдаги фаол метод ва шаклларига ўтишни кўзда тутди. Бу эса, тарбияланувчиларнинг индивидуаллиги, ўзига хослиги ва эҳтиёжлари доирасидан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга инновацион ёндашувни шакллантириш, ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Ривожлантирувчи таълим бу болага таълим жараёнини субъекти сифатида қарайдиган педагогик тизимдир. У индивидуал имкониятларидан

келиб чиқиб, унинг ривожланишига имкон беришга йўналганлиги билан аниқ тавсиялар берувчи, ўқитувчи имкониятларига таянувчи анъанавий методикадан фарқ қилади. Унинг моҳиятини таълим-тарбия жараёнини шахсга йўналганлик асосида лойиҳалаш ва тизимли бошқариш ғояси ташкил этади. Бундай фаолият турида бола ўз тенгдошлари ва тарбиячиси билан ўзаро фаол “субъект ↔ субъект” муносабатларига киришади.

Маълумки, мактабга тайёрлов гуруҳи болалари билан олиб бориладиган машғулотлар мазмуни, шакли ва методлари тарбияланувчиларнинг мактаб таълимига тайёргарликларини шакллантиришга, уларнинг ижодий-тадқиқотчилик ва мустақил билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилиши, диагностик мақсадларга йўналтирилганлиги билан билан мактаб бошқа ёш гуруҳларидан ажралиб туради.

Илмий-педагогик адабиётлар ва тадқиқотлар асосида мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг мактаб таълимига тайёргарлигини диагностика қилиш ва ривожлантириш борасидаги қуйидаги МДХ ва республикамиз олимларининг дастурларини таҳлил этдик:

- “Школа-2100” таълимий дастури - А.А. Леонтьев ва бошқ.;
- 3-6 ёшли болаларни математик тасаввурларини шакллантириш дастури-Л.Г.Петерсон, Е.Е. Кочемасова, Н.П. Холина;
- “Ривожланиш” (Развитие) - Л.А. Венгер, О.М. Дьяченко, Н.Ф. Астаськова, Н.А. Короткова, Н.Я. Михайленко;
- “Болалик” (Детство) – В.И.Логинова, Т.И.Бабаева, Л.М.Гурович;
- “Иқтидорли бола” (Одарённый ребёнок) - Л.А. Венгер, О.М. Дьяченко, Е.Л.Агаева;
- “Илк қадам” мактабгача таълим муассасаларининг Давлат ўқув дастури – И.В.Грошева, Д.Т.Махмудова, Г.Э.Джанпеисова ва бошқ.;

- мультимедиа технологиялари воситасида мактабгача ёшдаги болаларда математик тасавурларни шакллантириш дастури – Х.Ё.Нажмиддинова кабилардир.

Бизга маълумки, “Илк қадам” давлат дастурида боланинг ривожланиш харитаси кўзда тутилган бўлиб, у бола ривожланишини хужжатлаштиришнинг асосий шакли ҳисобланади. Боланинг индивидуал ривожланишини кузатиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат талабларидан бола ривожланишининг соҳалари ва кичик соҳалари ҳамда кутилаётган натижалар (кўникма ва малакалар) назарда тутилган. Ривожланиш харитаси турли соҳаларда боланинг фаолият даражаси ҳақида ахборотни тизимли йиғиш жараёни тузилмасини ҳосил қилади. Ривожланиш хариталарида қайд этилган маълумотлардан болалар олдига мақсадлар кўйиш ва уларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳаракатларни режалаштиришда фойдаланамиз. Ривожланиш харитасида бола ривожланишининг барча соҳалари бўйича давлат талабларига мувофиқ мезонлар ва тагмезонлар келтирилган.

Боланинг ривожланиш харитаси ҳар бир бола учун ҳар йили камида уч марта алоҳида тўлдирилган 3 дан 7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ривожланиш харитасининг мақсади ривожланишнинг умумий қабул қилинган ёш меъёрларига (давлат талабларига) мувофиқ, болалар ривожланишининг индивидуал ва жамоавий ҳолатини аниқлашга имкон берувчи оддий ва қулай восита билан педагогни таъминлашдир ва зарур ҳолларда жорий таълим жараёнини ташкил этиш тактикасини ўзгартиришдир (камчил соҳаларни тортиш ёки ривожланишнинг эришилган даражасини инобатга олган ҳолда мазмунни мураккаблаштириш).

Дастлабки кузатиш ўқув йилининг бошида ўтказилади (тахминан сентябрнинг биринчи икки ҳафтаси давомида). Бу болалар гуруҳдаги кун тартибига кўникишганида ва бир-бирлари билан яқиндан танишганларида амалга оширилиши лозим. Бу босқичда қуйидагилар аниқланади:

- ҳар бир боланинг бошланғич имкониятлари (ҳозирги даврда долзарб бўлган ривожланиш даражаси);

- шу вақтга қадар унинг ютуқлари ҳамда ўқув йили бошида ривожланишидаги эҳтиёж ва камчиликлар (муаммолар) аниқланиб, уларни ҳал этиш учун педагог ёрдами керак бўлади.

Педагог боланинг ривожланиш харитасини тўлдириб, эришилган натижани белгилади. Кузатиш ривожланишнинг барча соҳаларида амалга оширилади. Агар ривожланишнинг маълум бир соҳасида индикатор (кутилаётган натижа) “ишламаса”, педагог ҳошияларга қайдлар қилиши лозим. Боланинг баҳолаш натижалари асосида шакллантирилган таълим ва ривожланиш мақсадлари бола портфолиосининг бир қисмига айланиши мумкин. Боланинг ривожланиш даражаси куйидаги изоҳлар ёрдамида ўлчаниши лозим:

- Т – турғун кузатилади – бола талаб даражасида асосий кўникма-ҳаракатни намоён қилади ҳамда буни такроран ва мустақил амалга оширади.

- М – мунтазам кузатилади – бола асосий кўникма/ҳаракатни тез-тез, тегишли вазиятларда намоён қилади.

- Б – баъзида кузатилади – бола асосий кўникма/ҳаракатни муайян вазиятларда ёки тўсатдан намоён қилади.

- К – кузатилмайди ёки камдан-кам кузатилади – бола асосий кўникма/ҳаракатни камдан-кам намоён қилади ёки умуман қилмайди.

Худди шу тамойил бўйича оралиқ кузатув ҳам ўтказилади. У биринчи ярим йилликнинг охирида (декабрь, январь) ўтказилади. Бу кузатишдан мақсад ўқув йили бошида болага нисбатан танланган методиканинг тўғрилигини ҳамда ривожланиш динамикасини аниқлашдан иборат. Дастлабки кузатиш натижалари бўйича белгиланган ривожланиш мақсадларига эришилган бўлса, ўқув йилининг иккинчи ярми учун янги ривожланиш мақсадлари белгиланади.

Ўқув йили охирида (одатда май ойида) педагог якуний кузатувни ўтказди, унинг натижалари бўйича бола эришган даража давлат талабларига мувофиқ баҳоланади.

Ана шу кузатиш асосида вазифалар қанчалик самарали ҳал этилгани тахмин қилинади. Учта баҳолаш натижалари асосида охириги якуний кузатувдан сўнг ўқув йили давомида боланинг ривожланиши ҳақида қисқача ҳисобот тузилади ва кейинги педагогик жараённинг мақсадлари шу боланинг ривожланишида янги кутилаётган натижаларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўқув йилида аниқланади.

Ўйинлар одатий ҳаётий вазиятларни тақлид қилиш имконини беради, ўйин давомида қизғин ақлий фаолият олиб борилади, назарий билим ва ўз амалий тажрибасидан фойдаланган ҳолда жамоавий равишда оптимал ечимларни излашади.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида ишбилармонлик ўйинлари кенг тарқалган бўлиб, бу ўйиннинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ижобий томони ишбилармонлик ўйинлари бола шахсини шакллантириш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш воситаси сифатида ташкил этилади. Салбий томони ишбилармонлик ўйинининг моҳиятини, авваламбор, педагогик ҳодиса сифатида етарлича чуқур тушунмаслик билан боғлиқ, бунда асосийси ташқи шакл эмас, балки у орқали боланинг ривожланишига таъсир этувчи мураккаб психологик ва педагогик омиллардир.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Халилова Н.И. Норқўзиев Д.Б . Болани мактаб таълимига психологик тайёргарлиги. Тошкент.2009 йил.
- 2.Ҳамида Аҳмедова . Болангиз мактабга тайёрми? Марифат-мададкор нашриёти.2001 йил.
3. Батаршев А.В..Учебно-профессиональная мотивация молодежи : учебное пособие. Москва.:Академия, 2009.-192 с.

4. Байметов А.К. Начало психологии: науч.-метод.пособие. Ижевск: [б. и.], 2005. - 42 с.
5. Берн.Э. Психика в действии.М.:Попурри,2013. - 432с.